

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВ БЕХЗОД ЎКТАМОВИЧ

**ТАЖРИБАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ
НУРЛАНИШЛАР ТАЪСИРИДА ЎШКАДАГИ МОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРГА БИОКОРРЕКЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) Contents of abstract of dissertation for the Doctor
of Philosophy (PhD)

Хамроев Бехзод Ўктамович

Тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкадаги морфологик ўзгаришлар ва уларга биокоррекциянинг таъсири 3

Хамроев Бехзод Уктамович

Морфологические изменения легких при остром и хроническом облучении в экспериментальных исследованиях и влияние биокоррекции на них 27

Khamroev Bekhzod Uktamovich

Morphological changes of the lungs during acute and chronic irradiation in experimental studies and the effect of biocorrection on them 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВ БЕХЗОД ЎКТАМОВИЧ

**ТАЖРИБАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ
НУРЛАНИШЛАР ТАЪСИРИДА ЎШКАДАГИ МОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРГА БИОКОРРЕКЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3116 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хамдамова Мухайёхон Тўхтасиновна**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Расулов Хамидулла Абдуллаевич**
тиббиёт фанлари доктори

Калашникова Светлана Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия федерацияси)

Етакчи ташкилот: **Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги ўн йилликларда илмий прогресс натижасида турли изотопларнинг тиббиётда кенг қўлланилиши натижасида радиация (нурланиш) манбалари кўпайиб бораётгани сир эмас. Шу муносабат билан турли техноген ҳалокатлар вужудга келиши, ишлатилаётган технологияларнинг бузилиши натижасида мутахассис ёки аҳолининг нурланиш хавфи юқори бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича «...ривожланган мамлакатларда ионлантирувчи нурланиш билан профессионал алоқада бўлганлар сони аҳолининг 8-9% ини ташкил қилади...»¹. Ионлантирувчи нурланиш маълум дозаларда организмнинг аъзо ва тизимларига салбий таъсир кўрсатиши исботланган, уларнинг одам организмига таъсири бўйича клиник, лаборатория ҳайвонлари организмига таъсири бўйича экспериментал ишлар кўплаб бажарилган. Аммо, ўткир ва сурункали нурланишларнинг тажрибада лаборатория ҳайвонлари ўпкаларига таъсири ва унда профилактик биокоррекциянинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар кам ўтказилган, шу муносабат билан ўтказилган илмий-тадқиқот иши ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Жаҳон миқёсида ўтказилган тадқиқотлар ташқи ионлантирувчи нурланишнинг организмга салбий таъсир кўрсатиши фақат унинг таъсир қилиш даврида танада бўлишида кузатилиши аниқланган. Аниқланишича, турли кўринишдаги нурланишлар одам организмнинг турли аъзоларига, биринчи навбатда қон яратиш аъзоларига таъсир қилган. Шунингдек, асаб ва иммун тизимига салбий таъсир қилиши исботланган. Тадқиқотлар натижасида нурланишларнинг оқибатларини даволаш мақсадида турли радиопротекторлар ишлаб чиқилган бўлиб, ижобий таъсирлари тажрибада ва техноген ҳалокатлар натижасида нурланиш олганларда исботланган. Радиоактив изотопларнинг беқарорлиги туфайли γ -нурланиш шаклидаги энергия α - ва β -нурланиш кўринишидаги корпускуляр заррачалар ажралиб чиқиши билан парчаланиши кўрсатиб берилган. Аммо, биокоррекция қўлланилиши бўйича тадқиқотлар кам ўтказилган ва борлари ҳам тарқоқ бўлганлари, морфологик тадқиқотларнинг етарли эмаслиги бу тадқиқотлар заруратини белгилайди.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, турли кўринишдаги нурланишлар таъсирида ўпкаларда келиб чиқадиган патоморфологик ўзгаришларни патогенетик жиҳатдан ўрганиш, самарали профилактик биокоррекция усулларини ишлаб чиқиш, шу соҳа бўйича амалий тиббиёт ривожига ҳисса қўшиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт

¹Bashir K.M., Choi J.S. Clinical and physiological perspectives of β -glucans: the past, present, and future // Int J. Mol Sci. - 2017. - N18 (9). - P.1906.

ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шунга асосан ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкаларда вужудга келадиган патоморфологик кўринишларни ўрганиш асосида ушбу таъсир натижасида келиб чиқадиган патологик ҳолатларни даволаш ва профилактикаси бўйича янги ёндошувлар тавсия этиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари риважланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида радиациянинг юқори дозаларда одам организмига ҳалокатли таъсири борлиги исботланган. Ҳосил бўлган радиоактив субстанциялар танага тери, ошқозон-ичак тракти (ОИТ) ва нафас олиш аъзолари орқали киради, организмга тушгач эса радиоактив моддалар қон ва лимфа оқими орқали организмнинг турли аъзо ва тўқималарига тарқалади. Энг хавфли изотоплар узоқ парчаланиш даври билан ажралиб турадиган ва организмга тушгандан сўнг, жабрланувчининг бутун ҳаёти давомида нурланишнинг ички манбаи бўлиши мумкин бўлган изотоплардир (Васин М.В. ва ҳаммуал., 2013; Жармухамедова Т.Ю., 2016).

Нурланиш таъсирининг дастлабки босқичи хужайравий тузилмалар атомлари, молекулаларининг ионланиши ҳисобланади, бу аъзо ва тизимларнинг функционал ва органик бузилишлари билан бирга келади. Нур касаллигининг патогенези ионлантирувчи нурланишнинг организмга бевосита ва билвосита таъсирининг мураккаб комбинирланган таъсири билан боғлиқ. Меъёрий кўрсаткичлардан юқори дозадаги нурланишнинг оқсил

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги Фармони

тузилмаларига бевосита таъсири, уларнинг денатурацияси билан кечади ва кейинчалик парчаланadi. Бунда зарарланган хужайрада физик-кимёвий жараёнлар бузилиши билан нуклеин кислоталарнинг деполимеризацияси ривожланади, бу хужайра мембранасининг ўтказувчанлигини ошишига олиб келади. Радиацияга сезгир хужайра тузилмаларига ядро хромосомалари ва хужайра цитоплазмаси киради (Гайнутдинов Т.Р. ва ҳаммуал., 2018).

Радиациянинг билвосита таъсири тана барча аъзо ва тўқималари массасининг 75-80% ини ташкил этадиган сув радиолизланишининг юзага келиши билан боғлиқ. Сувнинг ионланиши жараёнида оксидловчи ва ишқорий хоссалари билан фарқ қилувчи радикаллар ҳосил бўлиши исботланган (Воронцова З.А. ва ҳаммуал., 2018).

Радиация дозаси ва унинг инсон ёки ҳайвон танаси бўйлаб тарқалишига кўра, уларнинг ўлим муддати ва сабаблари вариацияланади. Ўткир нурланиш касаллигининг (ЎНК) суяк-кўмиги шакли энг кенг тарқалган бўлиб, бунда сут эмизувчиларнинг турига кўра ўлим ҳолати таъсирот пайтидан бошлаб 7-30 суткаларда содир бўлади, уларинг ўлим сабаблари эса кўпинча геморрагик синдром ёки юкумли асоратлардир (Беляева Е.А., Кривенцов М.А., 2014).

Нурланишдан зарарланган хужайра ядроларида радиотоксинлар бир мунча вақт тўпланади, гормонал ва нейрогуморал жараёнларда бузилишлар ривожланади, бу ҳам ўз навбатида метаболик жараёнларга салбий таъсир қилади. Гистаминга ўхшаш захарли аминокислоталар организмда ишлаб чиқарила бошлайди. Тўқималарнинг интоксикацияси асаб тизими фаолияти бузилишнинг клиник белгилари, ички аъзолар фаолиятидаги ўзгаришлар билан намоён бўлади (Еремин П.С., Пигалева Н.А., 2014).

Турли кўринишдаги нурланишларнинг организм аъзоларига таъсирини морфологик усуллар ёрдамида ўрганиш кўплаб тадқиқотларда бажарилган (Тешаев Ш.Ж., Хасанова Д.А., 2019), шунингдек сурункали нурланишлар таъсирида турли аъзолардаги морфологик ўзгаришлар Турдиев М.Р. (2020), Худойбердиев Д.К. (2021) ишларида ҳам кўрсатилган. Ўткир ва сурункали нурланишларнинг турли аъзоларга таъсирини тажрибада қиёсий ўрганиш ва профилактик биокоррекция таъсирини аниқлаш Султонова Л.Д. (2022) томонидан ҳам амалга оширилган. Аммо, тажрибавий тадқиқотларда ўпкалардаги патоморфологик ўзгаришлар охиригача ўрганилмай қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2022 PhD 148) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш ва профилактика усуларини ишлаб чиқиш” (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибада турли кўринишдаги нурланишлар таъсирида лаборатория ҳайвонлари ўпқалари структуравий ўзгаришларини тавсифлаш, профилактик биокоррекция таъсирини ўрганиш ва баҳолашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган:

ўткир нурланиш таъсирида тажриба ҳайвонлари ўпкаси патоморфологик ўзгаришларини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкаси морфологик тавсифини бериш, ўзгаришлари даражасини қиёсий баҳолаш;

турли кўринишларда нурланишларда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида кузатиладиган турли интенсивликдаги патоморфологик ўзгаришларнинг учраш даражасини баҳолаш;

ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида оқ зотсиз каламушлар ўпкасида кузатиладиган патоморфологик ўзгаришлар даражасига профилактик биокоррекция таъсир даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эркак жинсига мансуб, 160-180 грамм оғирликдаги оқ зотсиз каламушларнинг 90 таси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оқ зотсиз каламушлар ўпкаси бўлакчаларидан тайёрланган гистологик препаратлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун тажрибавий, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат бўлган:

ўткир ва сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8 та патоморфологик белгиларнинг (вена, алвеолалар девори қон томирлари тўлақонли, алвеоляр бўшлиқда ателектаз ва шиш, алвеоляр девор қалинлашгани, лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари, бронх шиллик қаватида десквация ўчоқлари, метапластик ўзгаришлар, ўчоқли эмфизематоз кенгайиш, алвеолеоцитларда дистрофия, десквация ўчоқлари) турли даражада учраши аниқланган, бу ҳолат улар ўпкасига ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг таъсири эканлиги қиёсий тарзда, билвосита исботланган;

илк бор ўткир нурланишда оқ зотсиз каламушлар ўпкасида патоморфологик белгилар сифатида кузатилган алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ҳамда интерстециал шиш (86,67%), бронхиола шиллик қаватида десквация ўчоқлари (40,0%) ва метапластик ўзгаришларнинг (46,67%) сурункали нурлантирилганларда учрамагани, шунингдек сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида сийрак толали бириктирувчи тўқима борлиги (66,67%) аниқланган;

ўткир нурлантирилган ва профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар ўпкаси веналари, альвеолалар девори тўлақонлилиги, ателектаз, лейкоцитар инфильтрация, десквация ўчоқлари, лимфоид фолликуласида гиперплазия ўчоқлари мавжудлиги сақланиб қолган, профилактик биокоррекция уларни бартараф эта олмаган, унинг таъсирида патоморфологик белгилар учраш интенсивлиги сезиларли камаймаган;

илк бор сурункали нурланишда профилактик биокоррекция ўтказилган ҳайвонлар ўпкаларида патоморфологик белгилар аниқланиш интенсивлиги пастлиги кўрсатилган, профилактик биокоррекция олган ёки олмаганидан қатъий назар, альвеолит, альвеола деворлари тўқимасида фиброз аломатлари кузатилган, ўпка тўқимасида сийрак толали бириктирувчи тўқима (фиброз тўқимаси) ўсиши профилактик биокоррекция олганларда олмаганларга нисбатан 5,0 мартага кам бўлгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат бўлган:

сурункали ва ўткир нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар ўпкалари макроскопик кўриниши интакт лаборатория ҳайвонлари шу параметрларидан сезиларли фарқ қилмагани, нурланиш таъсир эттириш билан ўтказиладиган тажрибавий тадқиқотларда ўпканинг макроскопик ва органометрик кўрсаткичларини интакт ҳайвонлар параметрлари билан қиёслаган ҳолда ўрганиш ушбу ташқи таъсирнинг шу аъзога таъсир даражасини кўрсатиши шу соҳа мутахассислари учун аҳамиятга эгаллиги кўрсатилган;

ўрганилган 3 ва 4 ойлик интакт оқ зотсиз каламушлар ўпкалари оғирлиги, ўлчамлари бўйича олинган маълумотлар меъёрий кўрсаткичлар сифатида тавсия этилган ва бошқа тажрибавий тадқиқотларда олинган натижаларни қиёсий баҳолаш учун меъёр сифатида фойдаланиш тавсия қилинган;

ўткир нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8 та патоморфологик белгиларнинг (вена, алвеолалар девори қон томирлари тўлақонли, алвеоляр бўшлиқда ателектаз ва шиш, алвеоляр девор қалинлашгани, лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари, бронх шиллик қаватида десквамация ўчоқлари, метапластик ўзгаришлар, ўчоқли эмфизематоз кенгайиш, алвеолеоцитларда дистрофия, десквамация ўчоқлари) турли даражада учраши кузатув муддатининг камлиги (5 сутка) билан изоҳлангани, уларнинг шу аъзога ўткир нурланишнинг таъсири эканлиги шу соҳада банд бўлган мутахассислар учун маълумот сифатида амалий соғлиқни сақлашга тавсия этилган;

профилактик биокоррекция мақсадида ишлатилган “Lactopropolis AWL” нинг ижобий самараси альвеолалар деворларида фиброз тўқима ҳамда фибриноид бўкиш ўчоқлари учраш даражасини пасайтиргани, ўпка тўқимасида фиброз тўқимаси ўсиши биокоррекция олганларда олмаганларга нисбатан 5,0 мартага кам бўлгани амалий соғлиқни сақлашда банд бўлган шу соҳа мутахассислари учун маълумот сифатида тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи тажрибавий, морфологик, органометрик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги экспериментал материалдан фойдаланилганлиги, олинган ҳаққоний натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар билан қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор тажрибада ўпкалар алвеолаларида дистрофия, фокал некроз ўчоқлари, гомоген оқсил структуралари, илк бор сурункали нурланишда ўпкада аниқланган патоморфологик ўзгаришлар учраш даражаси ўткир нурланиш параметрларига нисбатан 1,14-1,45 мартага кам намоён бўлгани исботланганлиги, ўткир нурланиш олган ва профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар ўпкасида турли патоморфологик белгилар

профилактик биокоррекция ўтказилмаганларга нисбатан кўп миқдорда учраши баробарида биокоррекция ўтказилган ҳайвонларда кузатилмагани, репаратив регенерация жараёнлари бўлса фақат биокоррекция ўтказилган ҳайвонларда аниқланиши кўрсатилганлиги, ўткир ва сурункали нурланишлар учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, профилактик биокоррекция усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тажрибада ўткир ва сурункали нурлантирилган оқ зотсиз каламушлар ўпкасида тайёрланган гистологик препаратларда интакт лаборатория ҳайвонларидан фарқли равишда 11 та патоморфологик белгилар турли интенсивликда учраганлиги исбот қилиниши амалий соғлиқни сақлашда нур касаллигини ташхислашда муҳимлиги кўрсатилганлиги, патоморфологик белгилар аниқланиши нур касаллиги дифференциал ташхиси ҳамда касаллик якуни прогнозини аниқлашда морфологик прогностик мезонлар сифатида амалиётга тавсия этилганлиги, ўткир ва сурункали нурланиш олган оқ зотсиз каламушларда профилактик биокоррекциянинг ижобий самараси патологик морфологик белгилар учраш даражаси камлиги, репаратив регенерация жараёнлари ривожланиши билан ифодаланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Илмий янгиликнинг моҳияти: ўткир ва сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8 та патоморфологик белгиларнинг (венула, алвеолалар девори қон томирлари тўлақонли, алвеоляр бўшлиқда ателектаз ва шиш, алвеоляр девор қалинлашгани, лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари, бронх шиллиқ қаватида десквация ўчоқлари, метапластик ўзгаришлар, ўчоқли эмфизематоз кенгайиш, алвеолеоцитларда дистрофия, десквация ўчоқлари) турли даражада учраши аниқланди, бу ҳолат улар ўпкасига ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг таъсири эканлиги қиёсий тарзда, билвосита исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ўткир ва сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8 та патоморфологик белгиларнинг турли даражада учраши аниқланди, бу ҳолат улар ўпкасига ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг таъсири эканлиги қиёсий тарзда, билвосита исботланганлигини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиали бўйича буйруқ (02.03.2023 й.; № 8/1) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича буйруқ (03.03.2023 й.; № 10/1) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир ва сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8

та патоморфологик белгиларнинг турли даражада учраши аниқланиб, бу ҳолат улар ўпкасига ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг таъсири эканлиги қиёсий тарзда, билвосита исботланганлигини олинишидан фойдаланиш, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилайти.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

ўткир ва сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8 та патоморфологик белгиларнинг турли даражада учраши аниқланиб, бу ҳолат улар ўпкасига ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг таъсири эканлиги қиёсий тарзда, билвосита аниқланганлиги касалликнинг асоратларини олдини олишда инobatга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларни сарфланадиган харажатларини 138 667 сўмга камайтиришга эришилди.

Хулоса: ўткир ва сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида учраган 8 та патоморфологик белгиларнинг турли даражада учраши аниқланиб, бу ҳолат улар ўпкасига ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг таъсири эканлиги қиёсий тарзда, билвосита аниқланганлигини инobatга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 138 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 105 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкадаги морфологик ўзгаришлар ва уларга биокоррекциянинг таъсири» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 05 сентябрдаги 01/04/4675-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор ўткир нурланишда оқ зотсиз каламушлар ўпкасида патоморфологик белгилар сифатида кузатилган алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ҳамда интерстециал шиш (86,67%), бронхиола шиллиқ қаватида десквация ўчоқлари (40,0%) ва метапластик ўзгаришларнинг (46,67%) сурункали нурлантирилганларда учрамагани, шунингдек сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида сийрак толали бириктирувчи тўқима борлиги (66,67%) аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ўткир нурланишда оқ зотсиз каламушлар ўпкасида патоморфологик белгилар сифатида кузатилган алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ҳамда интерстециал шиш, бронхиола шиллиқ қаватида десквация ўчоқлари ва метапластик ўзгаришларнинг сурункали нурлантирилганларда учрамагани, шунингдек сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида сийрак толали бириктирувчи тўқима борлиги аниқланганлигини ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши исботланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва

радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиали бўйича буйруқ (02.03.2023 й.; № 8/1) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича буйруқ (03.03.2023 й.; № 10/1) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир нурланишда оқ зотсиз каламушлар ўпкасида патоморфологик белгилар сифатида кузатилган алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ҳамда интерстециал шиш, бронхиола шиллик қаватида десквамация ўчоқлари ва метапластик ўзгаришларнинг сурункали нурлантирилганларда учрамагани, шунингдек сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида сийрак толали бириктирувчи тўқима борлиги аниқланганлигини ҳисобга олиниши ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир нурланишда оқ зотсиз каламушлар ўпкасида патоморфологик белгилар сифатида кузатилган алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ҳамда интерстециал шиш, бронхиола шиллик қаватида десквамация ўчоқлари ва метапластик ўзгаришларнинг сурункали нурлантирилганларда учрамагани, шунингдек сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида сийрак толали бириктирувчи тўқима борлиги аниқланганлигини: беморнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 2 500 000 сўмга камайтирган (РИО ва РИАТМ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 500 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 75000) сўм дори воситалари сарфланади);

Хулоса: ўткир нурланишда оқ зотсиз каламушлар ўпкасида патоморфологик белгилар сифатида кузатилган алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ҳамда интерстециал шиш, бронхиола шиллик қаватида десквамация ўчоқлари ва метапластик ўзгаришларнинг сурункали нурлантирилганларда учрамагани, шунингдек сурункали нурланишда лаборатория ҳайвонлари ўпкасида сийрак толали бириктирувчи тўқима борлиги аниқланганлигини ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкадаги морфологик ўзгаришлар ва уларга биокоррекциянинг таъсири» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 05 сентябрдаги 01/04/4675-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: ўткир нурлантирилган ва профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар ўпкаси венулалари, альвеолалар девори тўлақонлилиги, ателектаз, лейкоцитар инфилтрация,

десквамация ўчоқлари, лимфоид фолликуласида гиперплазия ўчоқлари мавжудлиги сақланиб қолган, профилактик биокоррекция уларни бартараф эта олмаган, унинг таъсирида патоморфологик белгилар учраш интенсивлиги сезиларли камаймаган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ўткир нурлантирилган ва профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар ўпкаси венулалари, альвеолалар девори тўлақонлилиги, ателектаз, лейкоцитар инфильтрация, десквамация ўчоқлари, лимфоид фолликуласида гиперплазия ўчоқлари мавжудлиги сақланиб қолган, профилактик биокоррекция уларни бартараф эта олмаган, унинг таъсирида патоморфологик белгилар учраш интенсивлиги сезиларли камаймаганлигини инobatга олиниши, беморларни даволаш режасига ўзгартиришлар киритилиши имкони беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиали бўйича буйруқ (02.03.2023 й.; № 8/1) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича буйруқ (03.03.2023 й.; № 10/1) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир нурлантирилган ва профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар ўпкаси венулалари, альвеолалар девори тўлақонлилиги, ателектаз, лейкоцитар инфильтрация, десквамация ўчоқлари, лимфоид фолликуласида гиперплазия ўчоқлари мавжудлиги сақланиб қолган, профилактик биокоррекция уларни бартараф эта олмаган, унинг таъсирида патоморфологик белгилар учраш интенсивлиги сезиларли камаймаганлигининг аниқланиши ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг олдини олиш чора тадбирларини белгилашга имкон бериши исботланган, бу ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг камайтириш ҳисобига ижтимоий самарадорликни ошириш имкониятини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

эркаклар учун атипик стенокардия оғирлиги мезонлари ишлаб чиқилган усули: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 10,0 кундан 7,0 кунгача кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1 500 000 сўмга камайтирган (РИО ва РИАТМ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 500 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 35 500 сўм дори воситалари сарфланади);

Хулоса: ўткир нурлантирилган ва профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар ўпкаси венулалари, альвеолалар девори тўлақонлилиги, ателектаз, лейкоцитар инфильтрация, десквамация ўчоқлари, лимфоид фолликуласида гиперплазия ўчоқлари мавжудлиги сақланиб қолган, профилактик биокоррекция уларни бартараф эта олмаган, унинг таъсирида патоморфологик белгилар учраш интенсивлиги сезиларли камаймаганлигини инobatга олиниши, ўз навбатида мазкур касалларда

асоратларнинг камайтиришга қаратилган қўшимча даволаш чораларини бажарилишига имкон бериши, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, касаллик асоратларини камайтириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкадаги морфологик ўзгаришлар ва уларга биокоррекциянинг таъсири» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 05 сентябрдаги 01/04/4675-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор сурункали нурланишда профилактик биокоррекция ўтказилган лаборатория ҳайвонлари ўпкаларида патоморфологик белгилар аниқланиш интенсивлиги пастлиги кўрсатиб берилган, профилактик биокоррекция ўтказилган ёки ўтказилмаганлигидан қатъий назар альвеолит ва альвеола деворлари тўқималарида фиброз аломатлари кузатилган, ўпка тўқимасида сийрак толали бириктирувчи тўқима (фиброз тўқимаси) ўсиши профилактик биокоррекция олганларда олмаганларга нисбатан 5,0 мартага кам бўлгани исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: сурункали нурланишлар учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли профилактик биокоррекция усули ишлаб чиқилган, бу ўз навбатида, асоратлар ривожланиши омилни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштириб, ётоқ кунини қисқартирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиали бўйича буйруқ (02.03.2023 й.; № 8/1) ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича буйруқ (03.03.2023 й.; № 10/1) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир ва сурункали нурланишлар учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли профилактик биокоррекция усули ишлаб чиқилган бўлиб, улар ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир ва сурункали нурланишлар учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли профилактик биокоррекция усули ишлаб чиқилган бўлиб, улар ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш ҳисобига беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5,0 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 500 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 375 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: ўткир ва сурункали нурланишлар учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли профилактик биокоррекция усули ишлаб чиқилган бўлиб, уларни қўллашни шифохона амалиётига жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 500 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 375 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкадаги морфологик ўзгаришлар ва уларга биокоррекциянинг таъсири» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 05 сентябрдаги 01/04/4675-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Турли кўринишдаги нурланишларнинг клиник ва тажрибавий жиҳатларининг замонавий ҳолати: илмий манбалар шарҳи**”, деб номланган биринчи бобида нурланишларнинг хусусиятлари ва одам организмига таъсирининг патогенетик жиҳатлари, тажрибавий тадқиқотларда олинган морфологик маълумотлар таҳлили ва тажрибада ўткир ва сурункали нурланиш таъсирида ички аъзолар ўзгариши хусусиятлари келтирилган, нурланишнинг организмдаги турли аъзо ва тизимларга таъсир даражаси ҳам ўрганилган. Аммо, ўтказилган морфологик тадқиқотлар етарли бўлмай, ўпкага ушбу ташқи таъсирларнинг таъсир даражаси кам ўрганилганлиги ушбу йўналишлар бўйича тадқиқотларнинг

долзарблигини белгилаган.

Диссертациянинг “Тажрибада турли нурланишлар таъсирида ўпка структуравий ўзгаришларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар дизайни, ҳажми, материал ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида ушбу мавзу бўйича материал ва усуллар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида тажриба ҳайвонлари ўпкаларидаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш мақсадида тажрибавий тадқиқотлар учун эркак жинсига мансуб, 160-180 г оғирликдаги 90 та оқ зотсиз каламушлар танланган. Лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий озиқ-овқат рационини тузишда Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. (2016) услубий қўлланмасида кўрсатилган тавсиялардан келиб чиқилган. Лаборатория ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча техник ҳамда биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя қилинган (Нуралиев Н.А., Эргашев В.А., 2017).

Лаборатория ҳайвонлари (оқ зотсиз каламушлар) билан тажрибалар ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этик қўмитасидан рухсатнома олинган (2022 йил 14 декабрдаги 11/25-сон расмий хат, 2022 йил 22 декабрдаги 8/16-1725-сонли баённома).

Барча тажрибаларга жалб қилинган лаборатория ҳайвонлари тажриба вазифаларидан келиб чиқиб, уч гуруҳга ажратилган:

1-гуруҳ - 1 марта 5 Грей дозада тотал нурлантирилган, ўткир нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар (n=30) стандарт виварий рационини билан боқилган;

2-гуруҳ - сурункали нурланиш олган (20 кун давомида ҳар куни 1 марта 0,2 Грей дозада нурлантирилган) оқ зотсиз каламушлар (n=30) стандарт виварий рационини билан боқилган;

3-гуруҳ (назорат) - нурланиш олмаган, рационига “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси (БФҚ) қўшилмаган оқ зотсиз каламушлар (n=30) стандарт виварий рационини билан боқилган.

Биринчи ва иккинчи асосий гуруҳлар ўз навбатида яна 2 тадан гуруҳчаларга бўлинган: 1а гуруҳча - “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси (биопрепарат) олган, ўткир нурлантирилган оқ зотсиз каламушлар (n=15); 1б гуруҳча - “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси (биопрепарат) олмаган, ўткир нурлантирилган оқ зотсиз каламушлар (n=15); 2а гуруҳча - “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси (биопрепарат) олган, сурункали нурлантирилган оқ зотсиз каламушлар (n=15); 2б гуруҳча - “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси (биопрепарат) олмаган, сурункали нурлантирилган оқ зотсиз каламушлар (n=15).

Тажрибада оқ зотсиз каламушларни ўткир ва сурункали нурлантириш АГАТ-Р1 (Эстония) гамма-терапевтик аппарати ёрдамида амалга оширилган, унда нурланиш манбаси Со-60 бўлган. Ҳайвонларни нурлантириш билан боғлиқ тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Бухоро филиалида ўтказилган.

Биокоррекция мақсадида “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси таркиби *Lactobacillus rhamnosus* 925 (антибактериал пептидлар синтезлаш хусусиятига эга), *Enterococcus durans* пробиотик бактериялари (кучли иммуностимуляция қилувчи хусусиятга эга) ва прополис биологик фаол бирикмалари экстрактидан (антимикроб, яллиғланишга қарши ва иммуностимуляция қилувчи хусусиятларга эга) иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти ва “AllWellLab” МЧЖ маҳсулоти ҳисобланади. Препарат дозаси одамлар учун ишлаб чиқилган бўлиб, тажрибавий тадқиқотларда лаборатория ҳайвонлари учун дозаси оқ зотсиз каламушлар вазнига қараб Нуралиев Н.А. ва Султонова Л.Д. (2020) томонларидан ишлаб чиқилган ҳамда нурланишларда биокоррекция мақсадида тажрибавий тадқиқотларда илк бор қўлланилган.

Лаборатория ҳайвонлари ўпкалари морфологик параметрларини ўрганиш учун экспериментал тадқиқотларда кенг қўлланиладиган тадқиқот усуллари қўлланилган. Барча тайёрланган микрообъектлар дастурий таъминотга эга HL-19 моделидаги тринокуляр микроскоп (Хитой) ёрдамида қўрилган. Тадқиқотнинг асосий объектлари оқ зотсиз каламушлар ўпкаларидан тайёрланган гистологик препаратлар бўлган.

Ўпкалардан тайёрланган гистологик препаратларни тайёрлаш тўрт босқичдан иборат бўлган, анъанавий усулларда олиб борилган. Препаратларни тайёрлаш учун YD-315 маркали механик ротацион микротомдан (Хитой) фойдаланилди, тайёрланган кесмалар гематоксилин-эозин билан ҳамда Ван-Гизон бўйича бўялган. Бунинг учун микротомда кесилган кесмалар 3-5 мин давомида гематоксилин эритмасига солинган, сўнгра дистилланган сув ёрдамида ювилган. Микроскоп остида кузатилганда ҳужайра ядролари бинафша рангга бўялгач, улар эозин эритмасида 1,5 мин давомида бўялган, дистилланган сувда ювилди ва сувсизлантириш учун даражаси ошиб борадиган спиртлардан (70° дан 100° гача) фойдаланилган. Спиртни гистологик препарат тайёрланган буюм ойначасидан кетказиш ва тиндириш учун О-ксилонинг 1/3 қисми эритмасига кетма кет жойлаштирилган ва Канада бальзамига солиб қўйилган.

Олинган материални статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида “Excel” дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш қуйидаги параметрларни ҳисоблаш билан амалга оширилган: ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m). Фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Эҳтимоллик даражаси $P < 0,05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли, деб ҳисобланган. Статистик ишлаш “Pentium IV” процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинган.

Диссертациянинг **“Тажрибада ўткир ва сурункали нурланиш**

таъсирида лаборатория ҳайвонлари ўпкасининг морфометрик параметрлари тавсифи”, деб номланган учинчи бобида ўпкаларнинг морфометрик ўрганишлар натижалари баён этилган.

Ўткир ва сурункали нурланишдан кейин 5-кунда тажриба якунланган, яъни лаборатория ҳайвонлари жонсизлантирилган, кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзолари визуал тарзда макроскопик текширилган. Текширув давомида аъзолардаги паренхиманинг жойлашуви, ташқи кўриниши, ҳолати, аъзонинг ҳажми, консистенцияси ва рангига эътибор берилган. Бундан ташқари, аъзоларнинг ўзаро жойлашиши, плевра ва қорин бўшлиғида экссудат мавжудлиги, катта ва кичик қон томирлари ҳолатига эътибор қаратилган. Макроскопик тадқиқотлар натижаларини баҳолаш танланган назорат гуруҳи билан қиёсий жиҳатдан таққослаш, шунингдек, бошқа тадқиқотчилар олиб борган тадқиқот натижалари билан қиёсланган ҳолда олиб борилган.

Назорат гуруҳига мансуб интакт (нурлантирилмаган) оқ зотсиз каламушлар ўпкасида визуал ўзгаришлар кузатилмаган, улар ўпкасининг макроскопик манзараси амалий жиҳатдан ўзгармаган. Ўпка текширилганда патологик ўзгаришлар аниқланмаган, иккала ўпка ҳам пушти рангда, паренхимаси ўзгармаган, ўпканинг умумий структураси бузилмаган, визуал кўрганда дўнглик, доғ, қалинлашган тўқималар аниқланмаган. Ўпканинг бу меъёрий ҳолати назорат гуруҳига киритилган барча лаборатория ҳайвонларида (n=30) кузатилган.

Ўткир ва сурункали нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари жонсизлантирилгач, уларда ҳам макроскопик тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу лаборатория ҳайвонлари ўпкаси визуал кузатилганда эътиборни жалб қиладиган ўзгаришлар кузатилмаган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ўпка паренхимаси ўзгармагани, структураси бузилмагани кузатилган. Ушбу аъзонинг консистенцияси, ранги ўзгармагани аниқланган. Ўпкада эътиборни жалб қиладиган тўлақонлик, доғ ва турли катталиқдаги дўнгликлар аниқланмаган. Макроскопик текширишлар натижаси бўйича барча ўткир (n=30) ва сурункали (n=30) нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари кўрсаткичлари интакт ҳайвонлар параметрларидан сезиларли фарқ қилмаган. Органометрик кўрсаткичларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатганки, лаборатория ҳайвонлари (n=30) ўпкалари кўрсаткичлари 3 ва 4 ойлик оқ зотсиз каламушларда фақатгина ёшга мос ҳолда фарқ қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Интакт, турли ёшдаги оқ зотсиз каламушлар ўпкаларининг органометрик кўрсаткичлари

Ёши	Тана оғирлиги, г	Ўпка оғирлиги, г		Ўпка ўлчами, мм	
		ўнг	чап	ўнг	чап
3 ойлик	183,4±1,94	0,88±0,04	0,83±0,05	26,72±0,36	23,74±0,58
4 ойлик	192,6±1,87	0,90±0,06	0,86±0,08	27,14±0,47	24,48±0,63


1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, интакт лаборатория ҳайвонлари ўпкасида меъерий кўрсаткичлар кузатилиб, ушбу рақамлар билан асосий ва қиёсий гуруҳ лаборатория ҳайвонлари ўпкаси бўйича олинган рақамларни солиштириш мумкин бўлган. Бу параметрлар стандарт меъерий кўрсаткичлар сифатида тавсия этилган.

Муаллиф томонидан ўтказилган кейинги тадқиқотларда турли кўринишдаги нурланишлар (ўткир, сурункали) олган оқ зотсиз каламушлар ўпкаларининг органометрик параметрлари ўрганилган. Ўткир ва сурункали нурланиш олган лаборатория ҳайвонлари (n=30) тана оғирлиги интакт ҳайвонлар оғирлигидан амалий жиҳатдан фарқ қилмагани ҳолда, ўпкалар оғирлиги, ўлчами бўйича ҳам тафовут аниқланмаган.

Диссертациянинг “**Тажрибада ўткир ва сурункали нурланиш ўтказилганда ўпкадаги морфологик ўзгаришларнинг қиёсий тавсифи**”, деб номланган тўртинчи бобида ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида ўпкадаги морфологик ўзгаришлар натижалари киритилган.

Биринчи бўлиб ўткир нурланиш олган 1-асосий гуруҳга мансуб лаборатория ҳайвонлари ўпкасидан тайёрланган гистологик препаратлар интерпретацияси келтирилган (1-расм).

Келтирилган 1-расмда 1-асосий гуруҳга мансуб оқ зотсиз каламуш ўпкасининг гистологик манзараси акс этган расм келтирилган. Унда ўпка тўқимасида умумий фонда вена қон томирларининг тўлақонлиги аниқланган (80,0%), ўпка тўқимаси марказидаги алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ва алвеолалар деворларида интерстициал шишлар аниқланган (86,67%).




1-расм. Ўткир нурланиш ўтказилган оқ зотсиз каламуш ўпкаси микроскопик манзараси (ўпка тўқимасида вена қон томирларининг тўлақонлиги (1), ўпка тўқимаси марказидаги алвеоляр бўшлиқларда ателектаз ва деворларда интерстициал шишлар аниқланган (2). Гематоксилин-эозин билан бўялган, 4x10).

Ушбу патоморфологик ўзгаришларнинг фақат 1-асосий гуруҳдагина аниқланган. Шунингдек, алвеолалар деворларида интерстициал шишлар борлиги хужайра ичида суюқлик йиғилиб, хужайра фаолиятига салбий таъсир қилаётганини ҳам кўрсатган. Бу патоморфологик ҳолатлар бошқалари қатори ўпкага ташқи таъсир - ўткир нурланиш таъсири, деб ҳисобланган.

Бошқа гистологик препаратда ўпка тўқимасидаги алвеоляр девор қалинлашгани (56,67%), шу билан бирга парабронхиал соҳаларда лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари (60,0%) аниқланган. Ўпкада морфологик ўзгаришларни тасдиқлаш мақсадида 1-асосий гуруҳга мансуб лаборатория ҳайвонлари ўпкаларидан тайёрланган гистологик препаратлар бошқа бўйш усули ёрдамида (Ван-Гизон усули) ҳам амалга оширилган (2-расм). Алвеолалар девори қон томирлари тўлақонли, бронхиола шиллик қаватида десквамация ўчоқлари, ўчоқли эмфизематоз кенгайишлар ушбу препаратда ҳам кузатилган.


Ишнинг кейинги босқичида 2-асосий гуруҳга (сурункали нурланиш) мансуб лаборатория ҳайвонлари (оқ зотсиз каламушлар) ўпкадан тайёрланган гистологик препаратлар расмларининг таҳлили келтирилган. Перепаратлар ўрганилганда алвеолаларнинг кўпчилиги бир хил шакл ва тузилишга эга эканлиги аниқланган. Тажрибада ўпкадаги сегментар вена томирлари тўлақонлиги (63,33%), микроскоп остида аниқланган бўлиб, баъзи жойларда бу аъзо интерстициал тўқима дистрофияси кузатилган (56,67%).

Асосий гуруҳга мансуб оқ зотсиз каламушларнинг бошқа гистологик препарати ўрганилганда патоморфологик ўзгаришлар 73,33% оқ зотсиз каламушларда, ўпкадаги алвеола деворининг қалинлашиши, бундан ташқари, ўпка қон томирларида турли хилдаги тўлақонлик (80,0%), перибронхиал қон томирларда яққол кўриниб турган веноз тўлақонлик юзага келганлиги билан намоён бўлган (76,67%).



2-расм. Ўткир нурланиш ўтказилган оқ зотсиз каламуш ўпкаси микроскопик манзараси (алвеолалар девори қон томирлари тўлақонли (1), бронхиола шиллик қаватида десквамация ўчоқлари (2), ўчоқли эмфизематоз кенгайишлар (3) аниқланган. Бўёқ Ван-Гизон, 20x10).

Ўпка тўқимасига морфологик баҳо берилганда энг асосийларидан бири бронхиола ва алвеолалар девори ҳолатига эътибор қаратилган, чунки улар газлар алмашинувини таъминлаб берган. Сурункали нурланиш олган оқ зотсиз каламуш ўпка тўқимаси микроскопик ўрганилганда (3-расм), ўпкада фиброзланиш ҳисобига майда бронхлар девори қалинлашгани (66,67%), қон томир тўлақонлиги борлиги (80,0%), алвеолалар девори қалинлашгани аниқланган (73,33%).



3-расм. Сурункали нурланиш олган оқ зотсиз каламуш ўпкасининг микроскопик картинаси (фиброзланиш ҳисобига майда бронх деворининг қалинлашиши (1), қон томирлар тўлақонлиги (2), альвеолалар девори қалинлашгани (3) аниқланган. Бўёқ гематоксилин-эозин, 4x10).

Бундан ташқари, бронхлар девори ўзгаргани ва бириктирувчи тўқима ўсанлиги аниқланган (66,67%), бронхлар ва интерстициал тўқималар орасида энгил лимфоцитар инфильтрация пайдо бўлгани аниқланган (43,33%), патоморфологик белгилар сифатида ажратиб олинган.

Ўткир ва сурункали нурланишларда лаборатория ҳайвонлари ўпкаларидаги морфологик ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш усулининг қўлланилиши тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишлар лаборатория ҳайвонлари ўпкалари морфологик ўзгаришларини ўрганишни тизимлаштирган, тадқиқотлар софлигини таъминлаш имконини берган.

Диссертациянинг “**Ўткир ва сурункали нурланишларда экспериментал ҳайвонлар ўпкаси морфологик структурасига биокоррекциянинг таъсири тавсифи**”, деб номланган бешинчи бобида ўткир ва сурункали нурланишлар натижасида оқ зотсиз каламушлар ўпкасида юзага келган патологик морфологик ўзгаришларга профилактик биокоррекция учун қўлланган “Lactoropolis AWL” биологик фаол қўшимчасининг (БФҚ) таъсир даражасини аниқлашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Профилактик биокоррекция мақсадида ватанимизда ишлаб чиқарилган «Lactoropolis AWL» БФҚ қўлланилган. Биопрепарат бергунча лаборатория

хайвони организмида патологик жараён кузатилмагани боис у «профилактик биокоррекция», деб аталган. Профилактик биокоррекция тажрибавий тадқиқотларда лаборатория ҳайвонларида ва клиник тадқиқотларда 7 ёшгача бўлган шартли соғлом болаларда биринчи марта биологик препарат “Бифидобактерин PL” ни қўллаш орқали Нуралиев Н.А. (2001) томонидан амалга оширилган. Шу боис айнан шу услубни амалга оширган ҳолда тадқиқотлар ўтказилган.

